УЗБЕКИСТОН КИШЛОК ВА СУВ ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСТИТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛТЕТИ

ИПАКЧИЛИК ЙУНАЛИШИ

2-57 ГУРУХ ТАЛАБАСИ

НАЗИРКУЛОВА ФОТИМА

БЕГОНА УТЛАР МАВЗУСИ БУЙИЧА

# АЛЬБОМ

Абдалова Т. ………………

ТОШКЕНТ-2013.




а. Сариққашқабеда – Melilotus officinalis adans
дуккакдошлар (Leguminosae) оиласига киради.
МДҲнинг бутун Европа ва Осиё қисмида тар-
қалган. Биринчи даражада оз шўрл ерда учр.
б. Қоқиўт – Taraxacum vulgare (Lam.) мурак-
кабгулдошлар (Compositae) оиласига киради.
Ҳамма ерда тарқалган.

**А. Сарик кашкарбеда-** Марказий Осиё давлатларида богларда, арик буйларида усади. Европада эса бошокдошлар орасида, шудгорларда ва ташландик ерларда усади. Пояси тугри, пояси 30-100см ва ундан ортик. Июндан кузгача гуллайди. Уругдан купаяди. Битта усимлиги 17 минтагача уруг тугади, улар тупрокда унувчанлигини 20 йилдан ортик саклайди. Уруги етарли даражада нам булишига талабчан, кийинчилик билан унади. Кашкарбеда биринчи йили гулламайдиган поя хосил колади. Кишда бу пояси нобуд булади, кишлашда факат илдизи ва илдиз бугизидаги куртаклари колади. Келгуси йили бахорда илдиз бугзи куртаклари уса бошлайди ва поя чикаради, улар гуллайди ва хоил тугади. Хосил бергандан кейин кузга бориб, усимлиги бутунлай нобуд булади. Иккинчи йили кашкарбеда бакувват ривожланган поялари билан экинларни каттик сикиб куяди ва хосилни йигиштириб олишга халакит беради. Ёввойи кашкарбедани молларга беришга ярамайди, чунки таркибида хайвонлар хаёти учун хавфли булган кумарин моддаси бор. Кашкарбеданинг таркибида кумарин моддаси булмаган навлари чикарилган.

**Б. Кокиут-** богларда, полизларда, ташландик ерлар атрофида жуда куп усади. Каучукли усимлик-куксагиз экин орасида усадиган энг зарарли бегона ут хисобланади. Поясининг ичи буш, баргсиз, буйи 15-36 см, илдиз бугзидан чиккан барглари патсимон киркилган шаклда. Тупгули олтин ранг-сарик гули саватча. Апрелдан сентябргача гуллайди. Уругдан ва кисман илдиз бачкиларидан купаяди. Уругда думчалари булиб, шулар ёрдамила шамол билан таркалади. Битта усимлиги 250-700та уруг тугади. Уруги пишиши билан тезда униб чикади. Уругини 0,5-1 см кумилса бас. Пишиб етилмаган уруглари хам униб чикади. Биринчи йили усимлик тупбарг ва укилдиз, иккинчи йили эса гулловчи поя чикаради.




а. Ёввойи гултожихўроз
гултожихўроздош/ оиласига киради. МДҲ да
55-60° ш. кенгликдаги ҳамма жойда тарқалган.
У XVI асрда Америкадан Европага келиб қолган
б. Курмак - Echinochloa macrocarpa Vasing
бошокдошлар (Gramineae) оиласига киради.
Шолининг каранжин бегона ўти ҳисобл

**А. Оддийгултожихуроз, кизилча-** юмшатилган ва угитланган ерларни ёктиради. Асосан у чопик килинадиган экинлар: гуза, картошка, лавлаги, полиз ва сабзавот экинлари орасида усади. Пояси тугри, куп кисми шохланган, буйи 100 смгача етади. Гултожихуроз Узбекистон шароитида июн-августда гуллайди ва июлдан сетябргача хосил тугади. Факат уругдан купаяди, куп хосил бериши билан бошкалардан фарк килади. Яхши ривожланган битта усимлиги 500 мингдан ортик уруг тугади. Уруги 22-26$^{0}$ униб чикади. Етилмаган уруги хам деярли етилган уруги каби униб чикади. Зарарланган уруглари тузрок униб чикади. У лавлаги майсаларига ухшаш кизил булгани учун лавлаги орасидан утаб ташлаш кийин (унинг кизилча номи хам шундан келиб чиккан).

**Б. Курмак-** биологик хусусиятлари шоли билан деярли бир хил. Уларнинг уруги бир вактда униб чикади ва ёш вактида бир-бирига жуда ухшайди, бу унга карши курашишни кийинлаштиради. Курмак шоли донини жуда ифлослантиради донни курмакдан тозалаш жуда кийин иш.

Курмак факат генератив усулида купаяди. Битта уимликда 2 мингтача уруг хосил булади. Август-сентябрда гуллайди. Шоликорликда курмакдан ташкари, карантин бегона утларнинг бошка тури-говкурмак (E. Cryzicola Vasing) хам таркалган. У биологияси жихатидан курмакдан деярли фарк килмайди. Жуда киска 8-15 см (курмакда 20 см гача) руваги билан ажралиб туради. Барг нави узун тукчалар билан калин копланган. Говкурмакнинг уруги курмакнинг уругидан майда булади. Курмак ва говкурмак шамакка караганда даланинг ута нам булишига чидайди, лекин сув бутунлай булмаслигига бардош бера олмайди. Шамак кургокчиликка чидамли экинлар орасида уса олади. Курмакка ва шолининг бошка бегона утларига карши, асосан сув режиминибошкариш йули билан курашилади. Шолипояга киска вакт сув бостирилса, улар сув остида нобуд булади.




а. Ёввойи пиёз - Allium rotundum L. Пиёз гулдошлар (Liliaceae) оиласига киради. Ўрта Осиёда, Қримда ва МДҲнинг Европа қисмида тарқалган.

б. Зубтурум - Plantago major зубтурумдош (Plantaginaceae) оиласига киради. Ҳамма жойда учрайди.

**А. Ёввойи пиёз-** Узбекистонда асосан, богларда, токзорларда,кисман экинлар орасида учрайди. Бегона ут сифатида алохида ахамиятга эга эмас, осон йуколади. Пиёзбош ва уругдан купаяди. Пояси оддий, ярмигача барг билан копланган, буйи 30-60 см, Узбекистонда май-июнда гуллайди.

**Б. Зуптурум** – далаларда, полизларда, йуллар, арик буйлари, богларда учрайди. Бурглари кенг тухумсимон булиб, илдиз бугизидан чикади. Асосан уругдан купаяди. Майдан ноябргача хосил тугади. Битта усимлиги 6-80 мингта уруг тугади, булар тупрокда унувчанлигини камида 7 йил саклайди. Уруги купи билан 2-3 см чукурликдан тез униб чикади. Биринчи йилида усимлик факат тупбарг ва укилдиз, иккинчи йили эса гулловчи поя чикаради.




а. гумай – Sorghum halepence (L. Brot) бошоқдошлар (Gramineae) оиласига киради. Ўрта Осиёда, Кавказ ва Қримда учрайди

б. Ажриқ – Cynodon dactylon (L) Pers. бошоқдош/ оиласига киради Марказий Осиё давлатларида, Кавказда ва МДҲ нинг Европа қисмининг жанубий туманларда

**А. Гумай-** Урта Осиёда гумай гуза орасида усадиган энг зарарли бегона ут хисобланади. Май-июнда гуллайди, июл-октябрда хосил тугади. Поясининг буйи 1,5 м гача етади, паст томонидан шохлайди, гумай уругдан ва айникса илдизпоясидан купаяди. Битта усимлиги 2-3 минта уруг тугади, булар тупрокда узок вакт сакланади. Уругнинг тиним даври 7ойгача даовм этади. Уругдан усиб чиккан гумай , гуллаш олдидан илдизпоя чикаради. Бу вактда уни култивация ёки уток килиш билан йукотиш керак. Бир туп усимлигида 1-80 тагача илдизпоя ва 800 тагача бугим хосил булиши мумкин. Гуза ва бошка экинларни илдизпоялари жуда сикиб куяди. Кособуцкий маълумотларига кура, жкда ифлосланган далаларда гумай илдизпоясида бачки чикарадиган 500 мингтача куртак булиши мумкин. 1,5 м даги узунликдаги илдизпоя тупрокда 80 см гача чукурликда, асосий кисми (90-95%) 20 см чукурликда жойлашади. Гумайнинг баланд пояси экинларни жуда соялаб куяди.

Гумай ташки белгиларига кура суданутга ухшайди ва унинг энг зарарли бегона ути хисобланади. Ёш новдалари баъзан моларни захарлайди.

**Б. Ажрик-** Узбекистонда барча экинлар орасида, айникса, гуза орасида нихоятда куп усади. 1 балл шурланган, оз шурланган тупрокларда учрайди. Илдизпояси шурланиб усадиган ингичка кукиш чизикли-лентасимон баргли, панжасимон тупгулли усимлик. Пояси бугимли, куп баргли, шохланган, буйи 30-50 см гача булади. Узбекистонда майдан-июнгача гуллайди, июн-сентябрда хосил тугади. Уруги камдан-кам униб чикади. Асосан илдизпоясидан купаяди, булар ишлов бериладиган ерларда 22 см гача чукурликкача таркалади ва ерга ишлов беришни жуда кийинлаштириб юборади. Ажрикдан кумликларни мустахкамлаш учун фойдаланилади.




а. Кақра - Acroptilon picris C.A.M. мураккабгулдошлар (Compositae) оиласига киради. Ўрта Осиёда, Қримда, Кавказда, МДХнинг Европа қисмининг жанубий туманда тарқалган.

б. Қўйпечак - Convolvulus arvensis L. печакгулдошлар оиласига киради. Чекка Шимолдан ташқари ҳамма ерда учрайди.

А. **Какра** – сугориладиган ва сугорилмайдиган барча туманларда учрайди гуза, галла, бог, сабзавот экинлари ва бошкалар орасида усади. Пояси тик, шохлаган, баргалари билан калин копланган, буйи 60 см га етади. Узбекистон шароитда июн-сентябрда гуллайди, июл-сентябрда хосил тугади. Уругдан ва илдиз бачкиларидан купаяди. Какранинг асосий укилдизи тупрокка 5-6 см усиб кириб, сизот сувларигача етади ва ён илдизлар чикаради.

Какра зичлашган тупрокларда хам усади. Кургокчиликка чидамли ва захарли. Унга карши курашдаги кийинчилик шундаки, у хайдалма катламдан пастда жойлашган илдизлардан хам, хайдалма катлам бачкиларидан хам усаверади. У 5% пичанга аралашса хайвонлар хаёти учун хавфли булади.

Б. **Куйпечак-** Сугориладиган ва бахорикор ерларда усади. Барча экинлар, айникса, гуза, беда, галла экинлари орасида усади. Пояси ингичка, чирмашиб усади, узунлиги 30-100 см. гули йирик, ок пушти рангда. Узбекистонда май-августда гуллайди, июн-октябрда хосил тугади. Уругдан ва вегетатив йул билан купаяди. Битта усимлик 600 тагача уруг тугиши мумкин. Уругнинг усти каттик булганидан бир текис униб чикмайди. Илдиз системаси бакувват ривожланган; илдизи тупрокка чукур киради ва ён шохлар чикаради. Катта ёшдаги укилдизи  2 м ва ундан хам чукурга киради. Горизонтал илдизлари хайдалмаган ва хайдалган катламларда жойлашади. Илдизининг кесилган кисмидан янги бачкилари усиб чикади.

Куйпечак усимликларни чирмаб олиб, уларни ёткизиб куяди, пахтани машинада теришни, галлани комбайнда уриб олишни кийинлаштириб, улар иш органларининг синишига сабаб булади. Кишлок хужалик зараркунандаларини  таркатувчи бегона утдир.



а. Жаг-жагўт. - C. bursa-pastoris (L) Medic. Бог ва экинзорларда, йўл, дарё бўйларида ўсади.

б. Ялтирбош - Bromus secalinus L. бошоқдошлар оиласига киради. УМДҲнинг Европа қисмида жуда кўп учрайди. Ўзбекистонда ҳам

**А. Жаг-жагут** бутгуллилар оиласига кирувчи, бўйи 10см, баъзан 70-см бўладиган бир ёки бир қанча пояга эга бўлган бир йиллик ўтдир. Майсалари қишлаш қобилиятига эга бўлган - қишловчи бегона ўт.

Кузда унган уруглари илдиз ёнидан тўпбарг хосил қилиб хамма ривожланиш палласида, хатто гуллаш фазасида хам қишлаши мумкин.

**Б. Ялтирбош-** МДХнинг Европа кисмида ёввойи супурги каби галла (жавдар ва бугдой) экинлари орасида учрайди. Ёввойи холда усадиган турли номаълум булган типик бегона ут, факат уругдан купаяди. Битта усимлиги 800-1500 та уруг тугади, бу уруглар унувчанлигини 2-3 йил саклайди. Уруглар пишгандан кейин 6-9 кун утгач униб чика олади. Чала пишган уруги хам униб чикади. Улар 2-3 см чукурликдан яхши униб чикади. Ялтирбош жавдар орасида усадиган типик бегона ут. Рувак чикаргунча уни кузги жавдардан ажратиш кийин. Поясининг буйи ва уругнинг йирик-майдалиги жавдарники билан бир хил. Агар жавдар хосилга ялтирбош уруги аралашиб колса, унинг сифати камаяди, у корайиб, таъми бузилади.




а. Қирқбўғим – Equisetum L. пояси икки хил: баҳор ва ёзги. Ўсимликнинг бўйи 10-15 см.

б. Саломалейкум – Cyperus rotundus L. қиёқдош (Cyperaceae) оиласига киради. 400га яқин тури бор. Асосан Ўрта Осиёда, Закавказьеда, камдан-кам Шимолий Кавказда учр

**А. Киркбугим** илдизпояли кўп йиллик бегона ўт бўлиб, илдизбачкилидир. Тугунак-илдизли жуда қисқарган асосий ўқ илдизи ҳисобланади, булардан тугунак шаклида қўшимча илдизлар чиқади.

**Б. Саломалейкум-** нам ерларда яхши усади, барча экинлар, айникса, шоли ва гуза ривожланишининг дастлабки даврларида, сабсавот-полиз ва бошка экинларнинг энг зарарли бегона ути хисобланади. Ундан кутулиш учун ерларни куритиш ва агротехникавий тадбирларни амалга ошириш керак.

Пояси тугри, уч киррали, ингичка, силлик, буйи 15-20 см. Узбекистон шароитида июн-августдв гуллайди. Уругдан кндай купайса, поясидан хам шундай купаяди. Илдизпояси ер юзасига канча якин жойлашса, бачкилари шунчв куп чикади. Кумилиш чукурлигига караб, битта тугунак турли сонда: 1-5 см да 4 та бачки, 10-15 см да 2 та бачки, 20-30 см да 1 та бачки хосил килади. Саломалейкум уруги, одатда бахорда жуда секин, бир неча йил давомида униб чикади.